

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И**СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ
БАЖАРИШДА ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИГА ЯНАДА
ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР
ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни либераллаштириш орқали ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича **2021 йил 20 август куни** ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, **2022 йил 1 январдан бошлаб: камерал солиқ текшируви** натижалари бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун **молиявий санкциялар қўлланилмайди**;

тадбиркорлик субъектлари томонидан **солиқ ҳисоботини белгиланган муддатларда тақдим этмаганлик** учун **молиявий санкциялар бекор қилинади**.

2. Давлат солиқ кўмитасининг **2022 йил январь – июль ойларида** эксперимент тариқасида **Хоразм вилояти** давлат солиқ бошқармасида **ҳисобда турган солиқ тўловчиларнинг** қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, айланмадан олинган солиқ ва юридик шахслардан олинган ер солиғи бўйича **солиқ ҳисоботларининг** солиқ органлари томонидан **ҳисоблаб чиқарилиши ва шакллантириб берилиши** тўғрисидаги тақлифи қўллаб-қувватлансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, эксперимент доирасида:

а) **солиқ органлари:**

юридик шахслардан олинган ер солиғини – Кадастр агентлиги органлари маълумотлари асосида; қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва айланмадан олинган солиқни – электрон ҳисобварақ-фактура ва онлайн назорат-касса техникаси маълумотлари ҳамда солиқ органларида мавжуд бошқа **маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқаради ва солиқ ҳисоботини шакллантиради**;

б) солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботи солиқ тўловчилар учун белгиланган тегишли солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан камида **10 кун олдин** солиқ тўловчининг **шахсий кабинет** орқали юборилади;

в) солиқ тўловчи солиқ органлари томонидан шакллантирилган **солиқ ҳисоботини** олган кундан бошлаб **5 кун ичида** уни **тасдиқлайди** ёки, агар эътирозлари мавжуд бўлса, уни рад этган ҳолда, **солиқ ҳисоботини қайта ишлайди ва ўрнатилган тартибда солиқ органларига тақдим этади**.

4. Давлат солиқ кўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) **2022 йил 1 январга қадар** солиқ тўловчиларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва айланмадан олинган солиқни ҳисоблаш учун зарур бўлган солиқ солиш объекти ёки солиқ солиш билан боғлиқ бошқа **объектларни электрон ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш имкониятларини яратсин**;

б) қуйдагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин: **2021 йил 1 ноябрга қадар** қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида, шунингдек, солиқ солиш объекти ва (ёки) солиқ солиш билан боғлиқ бошқа объектлар бўйича маълумот тақдим этиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш бўйича тақлифларни;

2022 йил 1 августга қадар эксперимент натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда уни республиканинг барча ҳудудларидаги солиқ тўловчиларга татбиқ этиш ҳамда солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоботи шакллантириладиган солиқлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тақлифларни.

5. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат солиқ кўмитаси раиси Ш.Д.Кудбиев белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 августгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 7 сентябрьЎзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И**ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАРНИ РАВБАТЛАНТИРИШГА ОИД
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Республикаимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, миллий маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва валюта тушумларини кўпайтириш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича **2021 йил 20 август куни** ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6091-сон Фармони ва 2021 йил 13 июлдаги “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ–5184-сон қарорига асосан экспорт билан боғлиқ савдо операциялари

ва экспортлди молиялаштириш кредитлари учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳузуридаги Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 200 миллион АҚШ доллари ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг **2021 йил 1 октябрдан бошлаб:**

Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан **йиллик экспорт ҳажми 20 миллион АҚШ долларида ошган корхоналарга** экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортлди молиялаштириш кредитлари учун тижорат банклари орқали бир мартали молиявий ресурслар **5 миллион АҚШ долларигача миқдорда** ҳамда бир йилгача муддатга тақдим этилиши;

охирги ўн икки ой давомида **1 миллион АҚШ долларида ортиқ тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган корхоналарга** асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариши учун

бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар олиб киришда **божхона тўловларини тўлаш бўйича фоиз ҳисобланмаган ҳамда уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунга тўловни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш)** имкониятини бериш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғини тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

ташқи савдо операциялари бўйича муддат ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан жарималар қўлланилиши, шунингдек, ушбу Фармон кучга киргунига қадар қўлланилган жарималар ундирилиши **2021 йил 31 декабрга қадар** тўхта-тилади;

(Давоми 2-саҳифада)

Янги ўқув йили янги бинода бошланди**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**

Навоий шаҳридаги Ёшлик маҳалласи ҳудудида жойлашган 20-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари янги ўқув йилини янги бинода бошлади. Мактаб жорий йилда “Обод маҳалла” давлат дастури доирасида 5,4 млрд. сўм маблағ эвазига тўлиқ капитал таъмирланиб, тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Замонавий қиёфа касб этган ва жаҳон стандартларига мос равишда жиҳозланган мазкур илм маскани мактаб жамоаси учун Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига муносиб тўхфа бўлди.

Отабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ**

**МУХТАРАМ
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВ ЖОРИЙ
ЙИЛНИНГ 20 АВГУСТ КУНИ
БИЗ, ТАДБИРКОРЛАР
БИЛАН ЎТКАЗГАН
УЧРАШУВДАН ЖУДАЯМ
ТАЪСИРЛАНДИМ!
ЧУНКИ БУ УЧРАШУВ
БИЗ, ТАДБИРКОРЛАР
ҚАЛБИНING ТУБИДАГИ,
АМАЛГА ОШИРИЛИШИ
ОРЗУ БЎЛГАН
ИСТАКЛАРИНИНГ РЎЁБГА
АЙЛАНГАН КУНИ БЎЛДИ,
ДЕСАМ МУБОЛАҒА
БЎЛМАЙДИ. ЎШАНДА 2009
ЙИЛИ ФАОЛИЯТИМНИ 4 ТА
ИШЧИ БИЛАН БОШЛАГАН
ПАЙТЛАРИМНИ ЭСЛАДИМ.**

**Тўрт мингта янги иш ўрни
яратишни мақсад қилдик...**

У пайтлар бу ўзгаришларнинг амалга оширилиши хаёлимга ҳам келмаган. 2019 йилда Президентимиз корхонамизга ташриф буюрганларида у кишининг ишончларидан руҳланиб, корхонамизни янада кенгайтириб ишчиларимиз сонини 2000 нафарга етказдик. Корхонамизнинг соф даромади 200 млрд. сўмга етди. Бўлиб ўтган учрашувда Президентимиз тадбиркорлар дуч келаётган муаммоларни қалбан ҳис этган ҳолда, бизлар орзу қилган қатор имтиёزلарни жорий этдилар. Бу эса тадбиркорларни янада руҳлантирди, янги-янги марралар сари дадил одимлашга ундамоқда. Энди келгусида тадбиркорлик қилмоқчи бўлган юртдошларимиз мен тадбиркорликни бошлаган пайтларимдагидек қўрқув бўлмаслигига

тўлиқ амин бўлдим. Яна бир нарсани ғурур билан айта оламани, энди биз тадбиркорлар ҳам бошқа соҳа вакиллари сингари касб байрамимиз яъни 20 август кунини байрам сифатида нишонлаймиз.

Юртбошимиз билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувдан илҳомландик. Келгусида корхонани янада кенгайтириб, янги лойиҳаларни амалга оширишни ва яна 4 минг янги иш ўрни яратишни мақсад қилдик.

Бу ислохотлар бизга кенг имкониятлар бериш билан бирга катта масъулиятни ҳам юклайди. Чунки “Тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади”, деганлар Юртбошимиз. Яна бир нарсани ҳамкасбларимга, тадбиркорликни энди бошламоқчи бўлаёт-

ган юртдошларимга айтмоқчиманки, давлатимиз раҳбари тадбиркорларга берилган йигирмадан ортиқроқ имтиёз ва имкониятлар билан бирга назорат органлари томонидан тадбиркорлар фаолиятига аралашувларни бекор қилиш бўйича ҳам топшириқ бердилар. “Тадбиркор адолатли меҳнат қилса, марҳамат, бой бўлсин, ўтмишдаги каби қўрқув билан эмас, балки очиқ, ҳалол меҳнат қилиб, халққа хизмат қилиб, бағрикенг тадбиркор бўлиш керак”, деган сўзларини доим ёдимизда сақлаб, ўзимизга шиор қилиб, шунга амал қилсак, албатта, ишларимиз баракали, турмушимиз ҳаволатли бўлади.

Мухиддин НОРМАТОВ,
“Сирдарё Мега Люкс” МЧЖ
Ўзбекистон-Россия қўшма
корхонаси раҳбари.

**ЎЗБЕКИСТОН
АҲОЛИСИНING 88 ФОИЗИ
ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА
ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН
ТАЙЁРЛИГИНИ БИЛДИРДИ**

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази “ЎЗБЕКИСТОН: САЙЛОВ – 2021” мавзусидаги жамоатчилик фикри телефон сўровларининг учинчи босқичини ўтказди.

Унда 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муносабати билан Ўзбекистон фуқароларининг электорал хулқ-атвори хусусиятлари аниқланди. Ўзбекистонликларнинг электорал нуқтаи назарлари, уларнинг овоз беришда иштирок этишга тайёрилиги ва мамлакат сиёсий ҳаётига жалб этилганлиги даражаси ўрганилди.

Сўровда мамлакатнинг турли минтақаларида яшовчи фуқаролар, шаҳарликлар ва қишлоқдагилар, эркаклар ва аёллар, турли миллат ва ижтимоий қатламлар вакиллари, иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторларида банд бўлганлар, ёшлар ва ўрта ҳамда катта ёшдаги кишилар иштирок этди.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий соҳалардаги демократик ўзгаришлар ва фуқаролик жамиятининг ривожланиши аҳолининг сайлов жараёнлари самарадорлиги билан боғлиқ электорал маданиятида ўз аксини топмоқда.

Турли даражадаги сайловларда иштирок этиш мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига жалб этилганлик даражаси билан муайян даражада боғлиқдир. Бу мамлакат ҳаётининг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларидаги кундалик воқеаларни кузатиб бориш хоҳиш-истагида намоён бўлади.

Телефон сўровларининг мониторинги ўзбекистонликларнинг электорал маданияти фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига юқори қизиқиш билдиришини кўрсатди. Чунончи, респондентлар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётини турли даражадаги мунтазамликда – доимо (45,5%) ва вақти-вақти билан (36,3%) кузатиб боришади.

Мамлакат фуқароларининг электорал фаоллиги жаҳон иқтисодиёти конъюнктураси ўзгараётган ва глобаллашув шароитларида мамлакатнинг барқарор ва илдам ривожланиши ҳақидаги конструктив жамоатчилик фикрига боғлиқ.

(Давоми 2-саҳифада)

Тадбиркорлик

Европа мамлакатларига қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизини компенсация қилиш тизими бир йил муддатга жорий этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

2021 йил 1 октябрдан юқори сифат ва назорат тизимига эга мамлакатлардан сертификатланган ва декларацияланган асбоб-ускуна, бутловчи қисмлар, хомашё, ўлчов воситалари, кимёвий реагентлар, кўтариш мосламалари ва транспорт воситалари импортида миллий сертификат олиш талаби бекор қилинади;

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан корхоналарга экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари учун бир марталик молиявий ресурслар тақдим этиш тартибига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Европа мамлакатларига қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизини компенсация

қилиш тизимини бир йил муддатга жорий этсин;

сертификатланган ва декларацияланган асбоб-ускуна, бутловчи қисмлар, хомашёлар, ўлчов воситалари, кимёвий реагентлар, кўтариш мосламалари ва транспорт воситалари импортида миллий сертификат олиш талаб қилинмайдиган юқори сифат ва назорат тизимига эга давлатлар рўйхатини тасдиқласин.

5. Белгилансинки, тариқ (ТИФ ТН кодлари 1008 21 000 0, 1008 29 000 0), қуритилган дуккакли экинлардан олинган ун ва кукун (ТИФ ТН коди 1106 10 000 0), мева ва ёнғоқлардан олинган ун ва кукун (ТИФ ТН коди 1106 30 900 0) экспорти учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси рухсати талаб қилинмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 7 сентябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

“ЎЗБЕККҮМИР” АЖ: МАВСУМ ТАЪМИНОТИ, САРҲИСОБ ВА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти томонидан биринчи йиллик аяунлари ва аҳолини куз-қиш мавсуми учун кўмир билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

Унда «Ўзбеккўмир» АЖ бош директори ўринбосари Эркин Ёқубов жамият фаолияти, тизимдаги ўзгаришлар ва куз-қиш мавсуми учун кўмир етказиб бериш масаласига эътибор қаратди.

— Жамиятимиз томонидан жорий йилда 4,45 миллион тонна кўмир қазиб олиш режалаштирилган, — деди Э.Ёқубов. — Истеъмолчиларга 4,8 миллион тонна қаттиқ ёқилғи етказиб бериш кўзда тутилган. Масалан, ижтимоий соҳа объектлари 450 минг тонна, аҳоли 985 минг тонна кўмир билан таъминланади. 2021 йилнинг январь-июнь ойларида кон устини очиш ишлари 15 миллион метр куб ёки прогнозга нисбатан 99,3 фоиз бажарилди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 145,6 фоизни ташкил этишига замин яратди. Кўмир қазиб чиқаришга келсак, ўтган даврда 2,2 миллион тонна ёки прогнозга нисбатан 100,4 фоиз кўмир қазиб олинди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 153,7 фоизни ташкил этди. Қазиб олинган кўмирни истеъмолчиларга юклаб жўнатиш ишларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 157,2 фоиз ўсишга эришилди.

Тадбирда жамият масъулари маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги ишларга ҳам тўхталиб ўтди. Маълумот берилганидек, биринчи ярим йилликда 3,2 миллиард сўмлик эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилиб, бу борада ҳам ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,3 фоиз ўсишга эришилган. Шунингдек, биринчи ярим йилликда 35 янги иш ўрни яратилган. Бир ишчига тўғри келадиган ўртача ойлик иш ҳақи 3 миллион 563 минг сўмга етган.

Жамият томонидан 2021/2022 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари режа асосида ташкил этилмоқда. Жорий йилнинг 1 сентябрь холатига кўра республикаимиз ижтимоий соҳа объектлари мавсум учун етарли кўмир билан тўла таъминланган бўлса, аини чоғда

кўмир аҳоли эҳтиёжлари учун етказилмоқда.

“Кўмир таъминот” масъулиятли чекланган жамияти тасарруфидаги 100 дан ортиқ ҳудудий кўмир омборлари ва савдо шохобчалари фаолияти кўмирни манзилларга етказиб беришда муҳим ҳисобланади.

— Ҳудудий кўмир омборлари мавсумга шай қилинган. Уларнинг барчасида темир йўл йўлаклари мавжуд, кўмир маҳсулотларини ўз вақтида тушириб ортиш ишлари ташкил қилинган. Бундан ташқари, кўмир омборларида ортиш ишларини жадал амалга ошириш мақсадида улар қўшимча 61 та юкловчи, 56 та махсус юк ташувчи транспорт воситаси, 89 та тарози билан таъминланди. Харидорларга намунали хизмат кўрсатиш учун 70 нафар мавсумий ишчи ишга қабул қилинди. Аҳолини кўмир ёқилғиси билан ўз вақтида таъминлаш бўйича ташкилий ишлар етарли даражада амалга оширилди. Хусусан, республикаимиздаги кўмир ёқилғисига эҳтиёжманд аҳоли пунктларида маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан кўмирга бўлган эҳтиёж аниқланган. Шу асосда тегишли рўйхат шакллантирилиб, маҳаллий ҳокимликлар томонидан “Кўмир таъминот” МЧЖга буюртмалар тақдим этилган ҳамда кўмир тарқатиш жадвали тасдиқланган. Биз ана шу буюртма ва жадвал асосида аҳолига унинг ўзига яқин кўмир омборларидан ёқилғи сотишни ташкил этганмиз, — деди “Кўмир таъминот” МЧЖ бош директори Ғолиб Эшончаев.

Шунингдек, тадбирда корпоратив бошқарувнинг янги моделлари, “Ангрен” ва “Янги Ангрен” ИЭСлари билан бирга яқуний маҳсулот ишлаб чиқариш, кон очиш, кўмир қазиб олиш ва етказиб бериш ҳажмларининг ўсиши, 2030 йилгача кўмир қазиб олишни кўпайтириш борасида ишлаб чиқилган стратегияда белгиланган вазифалар хусусида ҳам маълумот берилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири.

➤ Пахта-2021

Жорий йилги мавсумда терилган пахтага қанчадан ҳақ тўланади?

Маълум бўлишича, бу йил қўлда терилган бир кило пахта учун биринчи теримда 1200, иккинчи теримда 1500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 августдаги йиғилиш баёнида Ўзбекистонда 2021 йилги пахта ййгим-терими мавсуми учун минимал таърифлар эълон қилинди. Унга кўра, қўлда терилган ҳар килограмм пахта хомашёси учун биринчи теримда 1200 сўмдан, иккинчи теримда 1500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади. Пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан жалб этилган ишсиз фуқаролардан иборат терим отрядлари раҳбарлариға мавсум якуниға қадар 2 млн сўмдан меҳнат ҳақи берилади. Шунингдек, терим ишлариға 18 ёшға тўлмаган фуқаролар, олий ўқув юртлири талабалари, бюджет ва нобюджет ёки хўжалик ҳисобидаги ташкилот ходимларини мажбуран жалб этиш қатъиян ман этилади. Пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Саъдулла



Тожиевнинг UzReport'га маълум қилишича, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг барча туманларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятининг чекка туманларида теримчиларни қўшимча жалб қилиш мақсадида қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта хомашёси учун Республика бюджети қўшимча манбалари ҳисобидан 230 сўмдан устама ҳақ тўланиши таъминланади.

Шунингдек, кластерлар ўзларига бириктирилган ҳудудларда терим пулини мустақил белгилаши, яъни тавсия этилаётган нархлардан юқори миқдорда ҳақ тўлашлари ҳам мумкин.

Маълумот учун, ўтган йили биринчи теримда бир кило пахта учун 1000 сўм, иккинчи теримда эса 1200-1400 сўмдан тўланганди.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

➤ Қарор ва ижро

ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖИ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ҚАДАМ

“Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуман Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини рақамлаштириш шароитида электр тармоқлари корхоналарини инновацион ривожлантириш масалаларига бағишланди.

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро анжуманда Грузия, Корея Республикаси, Россия Федерациясининг соҳа экспертлари, Марказий Осиё давлатлари энергетика компаниялари вакиллари ҳамда маҳаллий олимлар, илмий ва амалий ходимлар, ёш олимлар иштирок этди.

Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмонов, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси Улугбек Мустафоев, Тошкент давлат техника университети ректори Садриддин Туробжонов ва бошқалар мамлакатимизда энергетика соҳасини рақамлаштириш, хусусан, соҳага инновацион технологияларни жорий этишда халқаро ҳамкорлик ва тажриба муҳим аҳамият касб этишини кайд этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги “Электр энергетика тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий

барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан мамлакат электр энергияси истеъмолчиларига АСКУЭ тизимига мос келувчи ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Бу эса таъминотчи ва истеъмолчи ўртасидаги шаффофлик ҳамда электр энергиясининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Анжуман доирасида “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Обиджонов журналистларга ушбу тадбирнинг мазмун-моҳияти ва республикаимизда электр энергиясини истеъмолчиларга етказиб бериш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси ҳақида маълумот берди.

— Бугунги анжуманнинг эътиборли жиҳати шундаки, АСКУЭ тизимини жорий этиш баробарида энергетика соҳасини инновацион ривожлантиришда илмий ишланмалар, янги фикр ва ғоялар таҳлилга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир, — деди Ж.Обиджонов. — Шундан келиб чиқиб, тадбирдан қўзланган мақсад



электр энергетика соҳасини инновацион ривожлантириш ҳамда рақамлаштириш жараёнида халқаро илмий ишланмалар, шунингдек, электр узатиш тармоқлари ҳамда энергия самарадорлигини оширишда дунё инновацион технологияларини жорий этишнинг таҳлилини ўрганишга қаратилди. Президентимизнинг 2018 йил 23 октябрдаги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда АСКУЭ тизимини жорий этиш мақсадида 7 миллион 400 мингга яқин ақлли ҳисоблагич ўрнатилган. Бугунги кунда ўрнатилган ҳисоблагичларнинг 94 фоизи биллинг тизимига уланган. Ҳозир бу жараён давом этмоқда. Аҳамиятли жиҳати, бугун ўтказилган анжуман энергетика соҳасида тармоқ корхоналар билан ўтказилаётган биринчи конференция ҳисобланиб, бу ишлаб чиқариш корхонаси ва олий таълим ўртасидаги ҳамкорликнинг ёрқин ифодасидир.

Анжуманда Ўзбекистондаги “КТ Corporation” лойиҳа менежери Ёнг Сук Ким ўз маърузасида энергетика соҳасида рақамли трансформация ҳақида тўхталар экан, унда Корея Республикаси ва дунё

бўйича бу масалага катта эътибор қаратилганини таъкидлади.

— Аввало, бугунги анжуманда иштирок этаётганимдан беҳад мамнунман, — деди Ёнг Сук Ким. — Негаки, айнан шундай учрашув ва тадбирларда ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланади. Бугун барча соҳаларда трансформация ишлари амалга оширилмоқда. Бу жараён жуда қулай бўлиб, янги имкониятларни очди. Мен тадбирда иштирокчилар учун “Энергия тизимлари рақамли трансформация ва маълумотлар базасини таҳлил қилиш” мавзусидаги маърузамни тақдим этдим. Ўйлайманки, бу улар учун фойдали бўлади.

Анжуманда Тошкент давлат техника университети ҳамда “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ўртасида меморандум ва “Йўл харитаси” имзоланди. Шунингдек, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва Инновацион ривожланиш вазирлиги ўртасида ҳам меморандум имзоланди.

— Бугунги илмий-амалий анжуманда Инновацион ривожланиш вазирлиги “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ билан паст кучланишли электр тармоқларида техник йўқотишларни камайтириш бўйича лойиҳани амалга оширишга қаратилган меморандум имзолади. Мазкур ҳужжат доирасида икки томонлама ишчи гуруҳ шакллантирилади. Айнан электр тармоқларида йўқотишлар юзасидан илмий-инновацион тадқиқотлар олиб борилади, — деди Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Санжар Бердиев.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ 88 ФОИЗИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАЙЁРЛИГИНИ БИЛДИРДИ

(Боши 1-саҳифада)

Чунончи, кўпчилиқ респондентлар (77,6%) ҳозирги вақтда мамлакат танлаган тараққиёт йўли тўғри эканлигини қайд қилди. Аини пайтда ушбу кўрсаткич сўров ўтказилган бир неча ой давомида — 2021 йил майдан августигача барқарорлигича қолмоқда.

Ўзбекистонликларнинг электорал маданияти сайловчиларнинг аввалги тажрибага асосланиб, сайловдаги иштирокларини баҳолашга етарлича барқарор тайёрлигида ўз ифодасини топмоқда. Сўровнинг кўрсатишича, Ўзбекистон аҳолисининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилдаги сайловида етарлича юқори даражадаги электорал фаоллиги фуқароларнинг 2021 йилдаги сайловда иштирок этишга интилишининг юқори ифодасини башорат қилишга имкон беради.

Тадқиқотнинг аниқлашича, сўров иштирокчиларининг асосий кўпчилиги 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтиши ҳақида хабардордир.

Сайловолди кампаниясининг бориши ҳақидаги ахборотнинг энг талабгир манбаси телевидение ҳисобланади (66,8%). Қарийб ҳар иккинчи (48,1%) респондент ахборот олиш учун ижтимоий тармоқ элементларига эга бўлган иловалар, кроссплатформали мессенжерлар, масалан, Telegramни инобатга олган ҳолда интернетдан фойдаланади.

Ўтказилган телефон сўрови Ўзбекистон Президентлигига бўлажак сайловда аҳолининг иштирок этишга тайёрлиги бўйича юқори даражани қайд қилди (88,2%). Бу аҳолининг фуқаролар томонидан сайловнинг ижтимоий-сиёсий муҳимлигини чуқур англашда, ҳар бир сайловчининг иштирок этиши овоз бериш натижаларига таъсир қилиши мумкинлигига бўлган ишончда намоён бўлаётган етарлича ёрқин электорал маданияти ҳақида далолат беради. Деярли барча ёш тоифасидаги фуқаролар овоз беришда иштирок этишнинг заруриятини англайдилар ва унда иштирок этишни ўзлари учун жуда муҳим, деб ҳисоблайдилар.


Умуман олганда, ўтказилган жамоатчилик фикри сўровлари шуни кўрсатдики, жамоатчилик фикрида бўлажак Президент сайловлари давлат, жамият ва ҳар бир фуқаро ҳаётида муҳим сиёсий воқеа эканлигини англаш ва ҳис қилиш устуворлик қилади. Кўпчилик ўзбекистонликлар мамлакатда юз бераётган сиёсий жараёнлар ва сайловолди кампаниясининг боришини катта қизиқиш билан кузатмоқда ҳамда бўлажак сайловлар очиклик, ошкоралик, объективлик ва ҳаққонийлик каби демократик тамойиллар асосида юқори сиёсий-ҳуқуқий ва ташкилий даражада ўтишига ишонч билдирмоқда.

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази.
ЎЗА

“Елкамда кетмон билан ўтдим, болам...”, деганди отам”

Данғаралик таниқли фермер Баҳромали Ҳайдаров ҳузурида бир кун

Яхши нияту эзгу хаёллар билан Фарғонанинг Данғараси томон йўлга чиқдим. “Қамчиқ” Фарғона водийсини бошқа минтақалар билан боғлаб турувчи катта аҳамиятга эга бўлган довон.



Халқ орасида қадимдан бу довон “Қамчиқ” эмас “Қамчиқ” деб аталади. Баланд тоғлар орасидан ўтган илон изли йўллар ўта хавфли бўлган. Шу боисдан одамлар бу довонга қамроқ чиқишга ундаб “Қамчиқ” деб атаган экан.

Юртимиз мустақилликка эришгунига қадар бу довондан ўтишга анча-мунча ҳайдовчиларнинг юраги дов бермас эди. Айниқса, қиш ойларида йўл хавфлилигидан хайқиб, кўпчилик узоқ масофа босиб Тожикистоннинг Аштидан юрар эди. Уша кунларни эсласам, бугунги кенг ва равон йўлларни кўриб қувониб кетаман.

Бугун-чи, довонда манзара қандай? Кейинги беш йил ичида йўлларга, айниқса, катта аҳамиятга эга бўлган довон йўлларига эътибор жуда кучайди. Йўл қуриш машаққатларини йўлчилар яхши билади. Тоғлар орасида йўллар қуришнинг ўзига яраша захматлари бор. Йўл ва кўприklar қурганларга катта савоблар ёзилади. Йўл қуриш азал-азалдан мусулмончилигининг хайрли амалларидан бири бўлган. Ҳадиси шарифда ҳам йўл ва кўприк қурганларга Аллоҳнинг алоҳида ажрлари бор дейилган.

Қирқ икки йилдирки, шу довон орқали Тошкентдан ўзим тугилган ўш пиримга қатнайман. Раҳматли ота-онам ҳаётлик чоғларида уларни кўриш ва дуоларини олиш учун Водий вилоятларига хизмат сафарига тез-тез бориб турардим. Нафақат журналист, тажрибали ҳайдовчин сифатида ҳам “Қамчиқ” довоининг бугунги ободлигини кўриб ҳайратга тушаман. Довоннинг виқорли тоғлари ён бағирларидаги хусусий дам олиш масканларию, замонавий ва дилтортар манзарали емакхоналарда таомланиб, роҳат қиласиз, тоза ҳаводан нафас олиб

ҳордиғингиз чиқади. “Қамчиқ” довоида йиллар давомида кўрган билганларимни ёзар бўлсам асар бўлади. Эсимда, Ўзбекистон Халқ шоири Тўлаган Низом (Аллоҳ у кишини раҳматига олган бўлсин) Қамчиқ довоинга бағишлаб достон ёзган эди. Ушбу асар тақдироти довоининг қоқ белидаги туннеллар оралиғида ўтказилган эди. Агар шоир ҳаёт бўлганида бугунги “Қамчиқ”ни кўриб янада илҳомланган бўларди...

Яхши ҳамроҳу, ширин хаёллар йўлнинг узоғини яқин қилади, манзилнинг етганини сезмай қоласан киши. Довондан тушиб Сирдарё кўпригидан ўтгач, Данғара тумани далалари бошланади. Айтишларича, ўтган аср ўрталарида ҳам бу далалар қум барханларидан иборат чўл бўлган. Фарғонанинг қўли қадок миришкор деҳқонбоболари барханлар ўрнида пахтазору ғаллазорларни, боғуруғу гулзорларни барпо этишган. Данғарада ана шундай машаққатли ва ҳалол меҳнатлари туфайли ҳамюртлари дуоларини олиб юрган бободеҳқонлар бор. Улардан бири — биз ҳикоя қилмоқчи бўлган “Султонбой заминдор” фермер хўжалиги раҳбари Баҳромали Ҳайдаров. Бу номни эшитган данғаралиklar борки, “Султонбой бригадирнинг ўғлими, унга Худо берган, ота изидан бориб бахт топган” дейди.

Қайси касб эгаси бўлишдан қатъий назар бу дунёда иймон ва эзгу амаллар билан, мол-дунёга мафтун бўлмасдан, ота-онасига меҳр-муҳаббат кўрсатиб, умр йўлларида чекиладиган машаққатларга сабр-тоқат қилиб яшаётганлар ҳақиқий бахтли кишилардир.

Данғаранинг Кўргонча маҳалласидаги Баҳромали Ҳайдаровлар хонадони. Ушбу файзли хонадон гўё боғу гулзор. Узуму олмас, хурмою бодом, шафтолию



беҳи, гилосу олхўрилардан иборат боғни кўриб завқингиз ошади. Оқ рўмоли ярашиб турган хонадон бекаси Дилзодахонни сўхбатга тортамиз. Дилзодахоннинг айтганларидан шуни англадимки, у асли касби тарбиячи бўлсада, деҳқончилигининг сир-асрорларидан хабари бор аёл экан. Пахтачиликми, ғаллачиликми, боғдорчилик дейсизми барча жабҳаларда у турмуш ўртоғи — фермер хўжалиги раҳбари Баҳромали Ҳайдаровга ҳақиқий елкадош экан.

Отам раҳматли “қарсак икки қўлдан чиқади” деган мақолни кўп айтарди. Дилзодахоннинг олласи мустаҳкамлиги, фарзандлари камолоти учун чеккан захматларию ташвишларидан ортиб фермер хўжалиги равнақи учун қилган меҳнатлари ҳақида сўзланларини эшитиб андижонлик машҳур фермер аёл, Ўзбекистон опа Абдуллаева ҳақида ёзганларим ёдимга тушди. Ушанда Сиёсатхон опани “осмонлардан бағрингиз кенг, онажон!” деб таърифлаган эдим. Дилзодахон Каримованинг самимий сўхбатларию, кечмиш-кечирмишларига қўлоқ тутиб, ота-онасига, қайнона-қайнотасига беминнат хизматлар қилиб дуоларини олган, ўзи демай болам деган, ўзи емай боласига берган, ўзи қиймай боласини қийинтирган, ризкига ҳаром аралаштирмай, турмуш ўртоғини оила султони деб билиб унга итоат қилган шундай меҳридарё онага қандай таъриф берай? Ҳеч иккиланмай, унга ҳам осмонлардан бағрингиз кенг экан, илоҳим фарзанду зурриёдларингиз роҳатини кўринг,

дея қалб амри билан айтилган тилакларимни билдирдим...

Баҳромали Ҳайдаров дўппи ярашадиган, қомат ва салобати фермер хўжалиги раҳбарига мос тушадиган, ғайрат-шижоати жўшиб турган инсон экан.

— Султонбой отам раҳматли бундан саккиз йил аввал бир кам саксон ёшида оламдан ўтган эди, — дея хотирлайди Баҳромали. — Отам йигирма беш йил жамоа хўжалигида бригада бошлиғи бўлсада, доимо елкасидан кетмони тушмаганлигидан завқланиб юрадиган ҳақиқий деҳқон эди. Энг муҳими, лўқмасига ҳаром аралаштирмаганидан ғурурланиб юарди. Элга қайишгин, оғирини енгил қилгин, халқни десанг, Ҳаққа ёқсан деб тақор-тақор айтар эди. Тўлғондай онам раҳматли ҳақиқий муслима аёл эдилар. Ўғил бўлиб онам отамнинг руҳсатисиз бирор иш қилганини эслай олмайман. Ахли аёлим ҳам онамнинг йўлини тутди.

Нима иш қилсам отамдек сидқидилдан қилдим. Болаларим ҳалол есин деб умрим далада ўтмоқда. Бир фарзандни катта қилиш учун ота-онанинг ёшлиғи, куч-ғайрати, кўз нурулари кетар экан. Агар фарзандларинг бобомоси, ота-онаси изидан бориб, уларнинг хизматларини қилиб дуога лойиқ бўлиб вояга етса, сендан бахтиёр инсон бўлмайди. Мен шундай беназир ота-онанинг зурриёди бўлганлигим, шундай фарзандларнинг отаси бўлганим учун тақдиримдан розиман.

Нима эксанг шуни ўрасан, қуш уясида кўрганини қилади деган ҳикматларнинг ҳаётимда ўз тасдиғини кўрдим. Ота-онамга

меҳрибон эдим, фарзандларим биз ота-оналарига менданда меҳрибон бўлиб вояга етди. Отам елкасида кўтариб ўтган кетмонга суяниб топган бойлигим турмушимни чиройли қилди. Одамларга инфоқ-эхсон улашган отамнинг қилганларини қилдим, болаларим саховатпеша, лабзихалол бўлдилар. Аллоҳга шукрки, уларнинг олдиди ҳам, орқасидан ҳам раҳмат эшитаман. Мен отам каби, ўғилларим Исоқали, Нурали, Одилжонлар мен каби яхшилик қилиб қувонадиган қалб эгаларидир...

Фермер хўжалигининг 78 гектар сўғориладиган ерлардаги экинлар ҳосилдорлиги, 30 гектар пахта майдонларида етиштирилган оқ олтин баракаси, режалар ортиғи билан бажарилганлиги ва олинган фойдалар ҳақидаги йиллар давомида ўзгариб турадиган ютуқлар ҳақида ҳам ёзса арзийди. Чўл бағрида яратилган уч гектар шафтолизор мевага қирди. Шунча гектар майдонда тут парвариш қилиниб қоп-қоп пилла етиштирилмоқда. Фермер хўжалигида 150 та товук, 180 та ўрдак, 20 та ғоз, 25 та қўй, 6 та қорамол боқилмоқда.

Отам доимо дуо қилар чоғи, ўғлим сени Аллоҳ панохида сақласин, ўзингни эҳтиёт қилгин дер эди, мен ҳам ҳар кўрганда ўғилларимга Аллоҳ панохида асрасин, ўзингни эҳтиёт қил, болам деб дуо қиламан. Улар ҳам меҳр билан “сиз кутган фарзанд бўламиз” деганларида пешонамга шундай тақдир ёзилгани учун Яратган эгамга шукр дейман.

Қаршимда Баҳромали Ҳайдаров ерга яқин, элга яқин, ризқини ҳалол меҳнатю пешона тери билан яратаётган азиз инсон бўлиб гавдаланди. Унга қараб Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг “Бободехқоним” шеридида куйидаги мисралар ёдимга тушди.

**Ер айланар, ер айланар,
Ер югуриб тинмайди.
Яктагининг энгларидан
Тер юеуриб тинмайди.
Кўлинг тегмай бу дунёда
Битта еиёҳ унмайди,
Тин билмаган жоним менин,
Бободехқоним менин...**
**Ўринбой КЕНЖАЕВ,
журналист.**



Мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш масаласи муҳокама қилинди

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмасида жорий йилги пахта йигим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмасдан ўз вақтида ва сифатли йигиб-териб олиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда тегishли вазирлик ва идоралар масъуллари, уюшма тизимидаги 122 та пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарлари иштирок этди.

Мавсумда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш, теримчи ва ҳашарчиларга етарли шарт-шароит яратиш, меҳнатга ҳақ тўлаш масалалари муҳокама-лари марказида бўлди.

ТЕРИМГА, АСОСАН, КЛАСТЕР ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ИШЧИЛАРИ ЖАЛБ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Саъдулла Тожиёв маълум қилишча, бу йилги пахта йигим-терим мавсумига пухта тайёргарлик кўрилди. Мавсумда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ва бошқа ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва барча туманларда пахта терим марказлари ташкил этилмоқда. Теримга, асосан, пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда фермер хўжаликлари ишчилари, шунингдек, муайян меҳнат билан банд бўлмаганлар ва кўнгилли ҳашарчиликлар фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартномалар асосида жалб этилади.

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиғи ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан пахта теримида қатнашадиган теримчилар, терим отрядлари ва отряд раҳбарлари рўйхатини шакллантирилиб, электрон базасини яратилади.

КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИГА ТЎЛИҚ РИОЯ ҚИЛИНАДИ

Бу йилги пандемия шароити инobatта олинган ҳолда, ҳар бир терим отряди таркибида теримчилар сони **70 нафардан** оширилмайди. Улар учун иссиқ овқат ташкил этилиб, тиббий хизмат, кўчама савдо, маданият ва маиший хизматлар ҳам йўлга қўйилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кўмагида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларига республиканинг бошқа ҳудудларидаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ва хусусий бандлик агентликлари томонидан рўйхатга олинган аҳоли вакиллари-ни ихтиёрий равишда жалб қилиш кўзда тутилган. Улар учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари томонидан ётоқ жойлари ҳозирланиб, зарур инвентарлар билан жиҳозланади.

Теримчилар эса фартук, тарози, палатка, идиш-товуқлар, зарур ашё ва анжомлар билан таъминланади. Уларни пахта даласига олиб бориш ва олиб келиш учун автобуслар бириктирилади.

ТЕРИМ ПУЛИ ҲАР БЕШ КУНДА ТАРҚАТИЛАДИ

Жорий йилда қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта хомашёси учун биринчи теримда — 1 200 сўмдан, иккинчи теримда — 1 500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда меҳнат ҳақи тўлаш белгиланади.

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Саъдулла Тожиёвнинг айтишича, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг барча туманларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятининг чекка туманларида теримчиларни қўшимча жалб қилиш мақсадида қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта хомашёси учун Республика бюджетни қўшимча манбалари ҳисобидан 230 сўмдан устама ҳақ тўланишини таъминланади.

Шунингдек, кластерлар ўзларида бириктирилган ҳудудларда терим пулини мустақил белгилashi, яъни тавсия этилаётган нархлардан юқори миқдорда ҳақ тўлашлари ҳам мумкин.

Пахта-тўқимачилик кластерларига пахта хомашёсини териб олиш учун йиллик 14 фоиз ставкада кредит ажратиш мақсадида олти ой муддатда қайтариш шартли билан “Агробанк” АТБ депозитига 1,6 трлн. сўмгача маблағлар ажратилган. Терим пуллари ҳар беш кунда, дам олиш кунларига тўғри келишидан қатъий назар даланнинг ўзида хизмат кўрсатувчи банк вакили томонидан тарқатилиши белгиланган.

Йиғилишда кластерлар раҳбарларининг мавзу юзасидан фикр-мулоҳазлари ва тақлифлари ҳам тингланди.

Ўз мухбиримиз.

Янги Ўзбекистонимизда бунёдкорлик ишлари қўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Янги-янги бино ва иншоотлар, уйлар барпо этилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, каттами, кичикми ҳар қандай қурилиш жараёнида ҳам албатта, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш муҳимдир. Бунинг боз-боз эслатилиши ҳам бежиз эмас.

Қурилиш майдонлари ёнгин хавфидан холи бўлсин!

Хусусан, қурилишдаги электр билан боғлиқ ишларда эҳтиёткорликни ошириш зарур. Масалан, қурилишга вақтинчалик электр симларини тортиш учун изоляция қилинмаган симлар маҳкам тирговуч ёки троссларга илинади. Электр сими иш жойидан 2,5 метр, ўтиш жойларидан 3 метр, ўтиш йўлларидан 6 метр баландликда бўлиши керак. Ер, пол ёки қопламадан 2,5 метрдан пастроқ бандликда бўлган электр кабел ва симлар шикастланишдан ҳимояланган бўлиши лозим.

Электр пайвандлаш ва газ алангаси билан боғлиқ ишлар бажариладиган жой ёнгин учирини воситалари билан таъминланган бўлиши ва атрофи 5 метргача ёнувчан моддалар, 10 метргача портлаш хавфи юқори бўлган модда ва ускуналар, шу жумладан, газ баллонлари ва

газ генераторларидан бўшатилиши керак. Иш тугаши билан электр тармоқлари, электр асбоб-ускуна ва қурилишдаги бошқа электр истеъмолчилар, шу жумладан, маиший хоналар тоқдан узиб қўйилиши, электр энергиясини ўчириш марказлашган бўлиши лозим.

Қурилиш меъёр талабларининг бузилиши кўнгилсиз ҳодисалар, аксар ҳолларда инсонлар ҳаётига жиддий хавф тугдирishi мумин. Яратувчанлик ишлариги ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшаётган қурилиш ишчи-хизматчилари иш жараёнида хавфсизлик ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари билан ўзларининг хавфсизликларини, оила аъзоларининг хотиржамлигини таъминлаган бўладилар.

**Санжар САИДМУРОДОВ,
Сергеи тумани ФВБ НТБ бошлиғи, катта лейтенант.**

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ УЧУН ЯНГИ БИНОЛАР

Мамлакатимизда Истиқлол йилларида маҳалла тизими фаолиятини қўллаб-қувватлаш, такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада маҳалланинг жамиятдаги ўрни, роли ва нуфузи ортмоқда.

Буни Мустақиллик байрами арафасида Андижон вилоятидаги 25 та маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Жорий йилда вилоятдаги 85 та маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бинолар қурилиши режалаштирилган, — дейди Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Муҳаммадҷон Нишонов. — Бугунги кунга қадар уларнинг 75 таси қурилди. Унта маҳалла фуқаролар йиғини раисининг қурилиши якунига етмоқда.

Бундан ташқари, йил бошидан буён маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Маҳалла ва оилани

қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда шаҳар туман ҳокимликлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларига 137 та компьютер ва принтер, 50 та маҳаллага эса мебель жиҳозлари топширилди.

— Ҳозирда 3 минг нафардан зиёд аҳоли яшайдиган маҳалламизнинг идораси бундан олтимish-етимish йиллар аввал қурилган собиқ жамоа хўжалиги идорасида иш олиб борар эди, — дейди Булоқбоши туманидаги “Фаровон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Топволди Камолов. — Ҳукуматимизнинг эътибори, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, туман ҳокимлигининг кўмаги билан бу йил маҳалла идораси учун янги бино қуриб берилди. Раис,

ўринбосарлар, проффилак-тика инспектори учун алоҳида хоналар мавжуд, қолаверса, компьютер жамланмаси ҳамда бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган янги бинода самарали фаолият юритиш учун барча шароит яратилган.

Бугун вилоятдаги аксарият маҳалла фуқаролар йиғинлари идораларида самарали ишлаш учун зарур барча шартнолар яратилган. Бу аввало, юрт ободлиги, тинчлик-хотир-жамлиги, маҳалла аҳлининг ҳамжиҳат ва тутувчилигини янада мустаҳкамлаш, умуман, маҳалла нуфузини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Фахриддин
УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўза мухбири.**

Ҳеч бир маскану кишварни ҳеч ким ва ҳеч қачон киндик қони шу ерда томган кишичалик теран ва нафис ҳис этолмайди

➤ Мутолаа

Рўйи заминда, жумладан, Ўзбекистонда қишлоқлар беҳисобу бешумор. Бироқ ҳар бирининг ўзига хос бетакрор тарихи, табиати, турбатию тупроғи, сувию ҳавоси, кўрку манзараси, наинки дунёдаги, балки юртимиздаги бошқа кенту даҳаларда яшовчи кишиларга ўхшамайдиган, ўзига хос феъл-атворли, лаҳжаю шевали одамлари бор. Бу фикримиз, эҳтимол, сал муболағали кўринар, лекин ишонаверинг, юртимиздаги ҳар бир қишлоқ ўзича бир дунё. Сирасини айтганда, ана шу гуноғун турфалик билан ҳам гўзал, сержило ва пурҳикматдир жонажон Ватанимиз.

Кўшрабату Нуротанинг туташ дашту далаларида, Самарқанд ва Навоий вилоятлари сарҳадида Оқтов этагидаги тоза тупроқли, баҳорда зумрад майсаю заррин қўзигулларга, алвон қизғалдоқлару нофармон чўчумаларга бурканувчи, тийрамоҳда қахрабо тусга кириб, қишда қалин қор кўйнида теран ўй суриб ётувчи бағри кенг адирликларда, зилол сувли чашмалар бўйида жойлашган Айма-мат қишлоғи ҳам ана шундай монанди йўқ, насллари асл тийнатли, фаслари зебу зийнатли гўшалардан. Ундан айтарли олис бўлмаган манзилда туғилиб ўсганим ва унинг тегирмон унидан ёпи-лган серкепақ нонидан ейиш, мусаффо булоқлари сувидан ичиш, қарсиллаган узумлари ва бошқа анвойи мевалари-дан тотишга муяссар бўлганим учун бу ташбехларда ортиқча бўрттириш йўқли-гига ишонаверинг. Аммо...


Ҳеч бир маскану кишварни ҳеч ким ва ҳеч қачон киндик қони шу ерда томган ки-шичалик теран ва нафис ҳис этолмайди. Зотан бу турбат, бу ҳаво ва бу обихаёт зарралари унинг жисму жонидаги энг майда хужайраларгача сингиб, жо бў-либ кетган ва шу боис ҳам бу уйғунлигу муштараклик бир умр унинг қўзидаю сў-зида, зехнятию фикратиде тажаллий топади, жилаваланади. Бинобарин у ма-гарким соҳиб қалам бўлса унингчалик меҳру муҳаббат ила васф этолмайди.

Шу маънода она Ўзбекистоннинг олис бир чеккасидеги, дафъатан қа-раганда, нечоғки сўлим бўлмасин, виқорли нигоҳлардан бироз четда, шиддатли ривожланаётган тамаддун қулайликларидан мосуво кичкинагина, турмуши жун ва оддий бир қишлоқчадек

Бетакрор зийнат ва ҳикмат тараннуми

туялувчи, айна пайтда кўксидеги ҳар бир тошу ҳар бир гиёҳ замирига минг бир синоат ва ҳикматни яширган Айма-мат қишлоғининг таърифу таҳсинини, маъномоҳиятини, руҳиятию салоҳия-тини унинг истеъдодли фарзандла-ридан бири бўлмиш таниқли адиб ва журналист Алишер Аймамлидан ўткази-б айтиш душвор. Ҳар гал у ўз она қишлоғи ҳақида гап бошласа, ҳеч бир маҳобатсиз таъкидлайманки, Гоголнинг Диканка қишлоғи оқшомлари ҳақидаги ҳикояларини тинглагандек, Пушкин-нинг Михайловскоеда ўтказган завқли дамларини кўз олдимишга келтирган-дек, Тургенев тараннумидаги Бежин ўтлоқларини сайр этгандек сезарди киши ўзини. Сирдарёда, Жиззахда, Навоийда, Самарқандда ва ниҳоят Тошкент, яъни пойтахти азимда ўқиб, ишлаб, ижод этиб, таниқли журналист, шоир, ўткир қалам эгаси бўлиб ётиш-ган забардаст ижодкор биродаримиз билан салкам ярим асрлик қадрдонли-гимиз мобайнида унинг Оқтов воҳаси-даги достончи оқин-бахшилар макони – Қўрғонга ёндош Аймам, унинг оқилу доно, заҳматкаш ва танти одамлари ҳақидаги ривояту ҳикоятларга тўла ба-дихаларини, шеъру рубойларини кўп

бор тинлаганмиз ва Алишернинг буюк бахшилар анъаналарининг муносиб давомчиси эканига ишонч ҳосил қил-ганмиз. Шуларни кунт қилиб қозоғга туширишига тилагу истак билдирган-миз. Ва ниҳоят... Яқинда Тошкентдаги “Академнашр” матбааси элсуяр адибимизнинг “Аймам ва аймамлиқлар” номли ҳам шаклан, ҳам мазмунан салмоқли изҳорномасини босмадан чиқарди. Китобдан муаллиф-нинг она макони ва унда яшаган, фалак кажравлиги туфайли кўчмаларга тушиб, бошқа вилоятларда яшаган, йиллар ўтгач унинг бағрига қайтган кишилар бошдан кечирган шоёну нолон кунлар ва ниҳоят Аймамнинг Истиклолдан сўнг, айниқса, кейинги йиллардаги порлоқ толеи ҳақидаги насрий ҳамда назмий асарлари ўрин олган. Шуниси бағоят ҳайратланарли ва эҳтиромга лойиқки, муаллиф китобда ана шу мўъжаз қишлоқдаги бирорта сулола, оила ва ҳатто ҳар бир кишини эътибордан четда қолдирмасликка, улар ҳақида холисона фикр юритишга, уларнинг масруру мағрур дамлари, шунингдек, маъюсу маълул кунлари тўғрисида ростгўйлик билан сўзлашга ҳаракат қилган. Бу эса ушбу ибрат-



ли китоб Аймамдаги ҳар бир хонадон тоқчасидан эъзозли жой эгаллаши-нинг кафолатигина бўлиб қолмасдан, мамлакатимиз ёки дунёнинг исталган бурчагида, чунончи Аймамнинг ўзи ҳозир истикомат этаётган Америкада яшовчи ҳар қандай китобхонни астой-дил қаноатлантириши муқаррарли-гининг далолатидир. Зеро, табаррук она тупроқ, муқаддас ота макон, Ва-тан ичра жажжи ватан ҳисобланмиш жонажон шаҳару қишлоқ, маҳаллаю даҳа хусусида, унинг дилга яқин ки-шилари ҳақида сўз кетганда ҳар бир инсон юрагининг энг нозик торлари чертилади, вужудини она алласидек майин, фараҳбахш оҳанглар қамраб олади. Китобда қишлоқ аҳли лаҳжаси-нинг мўъжаз луғати ҳам берилганки, бу ўзбек тили дурдоналарини сараловчи лисоншуносу олиму мутахассисларга ҳам асқотиши шубҳасиз.

Мухтасар қалом шуки, Алишер Аймамнинг Аймам ва аймамлиқлар ҳақидаги китобини она макон зийна-ту ҳикматларини тараннум этувчи бир меҳнома, десак арзийди.

Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси аъзоси.

➤ SURXONDARYO VILOYATI

- Daraxtlar ham bolalarga o'xshaydi,

– deydi kexsa muallim bog‘bon Soat Xo‘jaqulov

Qishloq bolalari qorli-qirovli kunlarda olis hududdagi maktabga borishga qiyinalardi. Ba‘zilari esa yo‘llar nosozligidan bir necha kun-haftalab ta‘limdan uzulib qolardi. Bu holatdan esa pedagog sifatida qishloqda yashaydigan Soat muallimning ham yuragi ezilardi. Qishloq bolalariga uylariga yaqin joydan va qulay sharoitlarga ega maktab qurib berish kerak, degan qarorga keladi. Bu ish uchun kimdir tashabbus bilan chiqmasa, davlatdan ko‘mak kutib o‘tiraverish yaramaydi. Shundan so‘ng, paxta dalasining bir chetidan kichikkina maktab bunyod etish payida ish boshlaydi.



– Eng yaxshi sarmoya – ta‘limga qilingan sarmoya, deya bejiz aytilmagan, – deydi qumqo‘rg‘onlik Soat Xo‘jaqulov. – Bir zamonlar o‘zim ham tengdoshlarim bilan maktabga qiyinalib qatnardik, loy tom ostidagi besh oltita stol-stullarda biz Vatanni sevishni, yaxshi inson bo‘lishni, ota-onani hurmatlashni, jamiyatga hissa qo‘shadigan konil inson bo‘lish kerakligini o‘rganganmiz. Birgina harf o‘rganish uchun yalangoyoq, yirtiq-yamoq qiyimlarda bo‘lsak-da maktabga oshiqardik. Men maktabga bormasdan, bilim olmasdan, yaxshi inson, yetuk mutaxassis bo‘lish mumkinligini, rosti, tasavvur ham qilmayman. Yo‘llarning nosozligi, qatnashga qiyin bo‘lgani uchun ham bolalar ta‘limdan uzoqlashib, uyda turmush tashvishlari bilan o‘ralashib qolishini istamaganman.

Sifatli va uzluksiz ta‘lim olib, bu yerdagilar ham bir kun ke- lib, katta odam bo‘lib yetishar, jamiyatga foydasi tegadigan inson bo‘lar, degan maqsad ila maktab qurish harakatlarga tushgan Soat muallim o‘z mablag‘i, qolaversa, homiylarning ko‘magi bilan kichikkina maktab binosining qad ko‘tarishiga bosh-qosh bo‘ldi. Bu voqea mustaqillikdan to‘rt yil burun boshlangan edi. Oradan bir yil o‘tar-o‘tmas qurilib, foydalanishga topshirilgan Qumqo‘rg‘on tumanidagi 52-umumta‘lim maktabining bunyodkori ham tashabbuskori ham Soat Xo‘jaqulov bo‘ldi. Muallim o‘zi bunyod etgan maktabda yoshlarga saboq berish barobarida 2002-yilga qadar rahbarlik qilib keldi. Nafaqaga chiqqach esa o‘zini tamomila o‘zga sohaga urgagan Soat bobo bugun 75 yoshida ham anchayin tetik va bardam. Yoshligida qiziqqan va yolg‘iz bo‘lgani uchun ham olis shaharda qolib agrar sohaga baxshida bo‘lola- man hayotining keksalik boshtini 10 gektar maydondagi bag‘ida barq urib turgan to‘rt mingga ya- qin mevali daraxtlarga bag‘ish- laganiga nima deysiz?

Ta‘lim va bog‘bonlik. Har ikkisida ham ezu niyat mushtarak. Ta‘lim-tarbiya ne- gizada yoshlarga saboq berib jamiyatga munosib kadrlar chiqarish yotsa, bog‘bonlik orqa- li odamlar dasturxoniga sarxil, shirindan shakar mevalar tortiq qilish va farovon turmushni ta‘minlashga bel bog‘lashning

ham o‘z ziyinati bor. Mo‘jazzina intensiv bog‘da to‘rt kishi muntazam ish bilan band. O‘tgan yili 20 tonnadan oshiq olma olingan bo‘lsa, bu yil 100 tonna mo‘ljalda. Katta nabirasi Shoxruh esa bobosi- ga esh. Samarqandga borish- di, voha bo‘ylab bog‘bonlardan mevalarni qanday ekish, qan- day payvandlash, qachon og‘it- lash-u qaysi paytda sug‘orish kerakligini miridan sirigacha o‘rganishdi. Maqsad esa bitta – yaxshi bog‘bon bo‘lish, sifati hosil olib, elning dasturxonini mevalardan bahramand etish. Tumanning oldi bog‘bonlaridan bo‘lgan Soat boboning aytishi- cha, mevalardan sifatli va mo‘l hosil olish borasida 10 ga ya- qin tajriba ham o‘tkazishayotgan ekan. Ayni damda olma, anor, behilar yashnab, ko‘zni quvna- tib turibdi. Olmaning ham sara “Golden” navini ekishgan. Iqlim- ga moslashtirilgan amerikan- cha navi ham yaxshi hosilga kirgan. – Hech kim birdaniga bog‘bon bo‘lib qolmas ekan, – deydi Soat bobo. – Avvaliga bog‘bonlardan soha sirlarini o‘rgandim, kitoblardan ham o‘qib kerakli-cha ma‘lumotlar olayap- man. Tonna-tonna olmalarni bir o‘zimiz yeb bitira olmasligimiz aniq. Shuning uchun ham ma- halladagi ehtiyojmand oilalarga tarqatamiz, shu hududda joy- lashgan bog‘chadagilarga ham ilinamiz. Tunov kuni bog‘cha bolalari olma bog‘imizga sayo- hatga kelishdi. Men keksayib qolgan bo‘lsam-da daraxtlar bi- lan doim birgaman, barg yozib, to kech kuzda xazonrezgi ma- halligacha ular bilan hamnafas- man. Daraxtlarni murgak qalbli bolalarga qiyoslash mumkin. Ta‘limda ham beg‘ubor, beozor va oqko‘ngil bolalar bilan birga edim. Bog‘bonlikda ham o‘sha muhit meni tark etgani yo‘q. Da- raxtlar ham bolalarga o‘xshaydi. Yomonlikni sog‘inmaydi, sizni al- dab yoinki vafosizlik qolmaydi. Umrining 33 yillini yosh av- lod ta‘lim-tarbiyasiga bag‘ish- lagani Soat Xo‘jaqulov keksalik gashitini daraxtlar ila hamohang o‘tkazib, o‘zini mehnatga urgani quvonarli. Qariyalar uyimizning farishtasi, degan gapda jon bor. Ayni paytda ikki farzandi, yetti nabirasi qurshovida, qolaver- sa, minglab daraxtli qo‘ynida umrguzaronlik qilayotgan Soat bobo ham bir uyning fayzi, bir mahallaning farishtasi misoli.

Adolat MO‘MINOVA

Рақамлар сўзлаганда...

Тошкентда хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташилотлар сони 7,9 мингтани ташикл этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг сама- рали фаолият юритиши учун етарли шарт-шароит- ларни яратиш борасидаги ишлар ўз натижасини бермоқда. Хусусан, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, амалиётга тат- биқ қилинаётгани юртдошларимиз ҳамда хорижий инвесторларнинг ўз шахсий бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган хори- жий капитал иштирокидаги корхона ва ташилотлар сони 2021 йил 1 август ҳолатига кўра, 7,9 минг тани ташикл этиб, улардан 7,6 мингтаси ёки 96,6 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 0,9 мингтага ёки 113,5 фоизга ошганлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хорижий ка- питал иштирокида ташикл этилган корхона ва тад- биркорлик субъектлари сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг январь-июль ойларида уларнинг сони 923 тани ташикл этди.

Феруза ХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар статистика бўшқарма- ахборот хизмати етакчи мутахассиси.

➤ Эълон

“SAY GRUP AND DISTRIBUTION” МЧЖ (СТИР 308458285) устав жамғармаси 100 000 000, 00 (юз миллион) сўмдан 783 500 (етмиш уч миллион саккиз юз йигирма беш минг беш юз) сўмга камайтирала- ётганини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Мирзо Улуғбек кўчаси 92-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.
Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 182-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Тўлкинов Мирмурид Усмон ўғлига 2010 йилда берилган серия рақами U, 212 рақам билан рўйхатга олинган №4623479-сонли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Мирзо Улуғбек туманидаги 210-сонли умумий ўрта таълим мактаби то- монидан 2018 йилда Абдураззакв Камрон Фархот ўғли номига берилган U №8585796 (рўйхат рақами 42) рақамли шаҳодатнома ҳамда шу мактаб томонидан 2020 йилда берилган UIM № 0710361 (рўйхат рақами 70) рақамли аттестат ва иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вази- лар Маҳкамаси таркибидеги ҳамда бошқа дахлдор вази- рлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Мухаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Ҳўсет усулида босилди, қозғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-947. 2 012 нусхада чоп этилди.

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳўси келишилган нарҳда.

